



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 19 ноябрь, № 238 (8861)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ДЕПУТАТНИНГ ОВОЗИ — БУ ХАЛҚ ОВОЗИ

Тошкент шаҳрида янги чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.



Мажлисни қонунга мувофиқ Марказий сайлов комиссияси Раиси З. Низамходжаев очиб берди. Йиғилишда Хукумат аъзолари, марказий идоралар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот

воситалари вакиллари қатнашди. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янгради. Қонунчилик палатаси биринчи мажлисининг Муваққат котибияти, Саноқ комиссияси ҳамда Овозлар-

ни ҳисоблаш электрон тизимидан фойдаланишни назорат қилувчи муваққат гуруҳ сайлаб олинганидан сўнг депутатлар кун тартибини тасдиқлади. Марказий сайлов комиссияси Раиси



З. Низамходжаев Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайлов якунлари тўғрисида ахборот берди. Таъкидланганидек, мамлакатимизда бўлиб ўтган парламент сайлови Ўзбекистон тарихида илк бор

янги таҳрирдаги Конституция ва миллий сайлов қонунчилигига биноан, аралаш — мажоритар ва пропорционал сайлов тизими асосида ўтказилди. Мазкур тизимнинг жорий этилиши сиёсий партиялар ўртаси-

даги рақобатни кучайтириб, жамиятимиздаги демократик муҳитга янги қувват бағишлади.



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Маъбулот хизмати суратлари.

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING БИРИНЧИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли депутатлар! Қадрили йиғилиш иштирокчилари!

Авалло, сиз, азизларни кучли рақобат, қизгин сиёсий кураш ва ошкоралик муҳитида ўтган сайловларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати деган шарафли мақомга сазовор бўлганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бу юксак ишонч — сизларнинг бой билим ва ҳаётий тажрибангиз, юртимиз равнақи, эл-юртимиз фаровонлиги йўлида қилаётган фидойий меҳнатингизга нисбатан халқимизнинг улкан ҳурмат ва эҳтироми ифодасидир.

Ҳар қандай сайлов давлат ва жамият учун муҳим сиёсий жараён эканини барчамиз яхши тушунамиз. Айниқса, ҳақиқатда бугунги кескин ва таҳликали вазиятда бундай умумхалқ тадбирларини ўтказиш янада катта масъулият талаб этади.

Ўзингиз кўрапсиз, турли минтақаларда уруш ва жанжаллар, қарама-қаршилик ва зиддиятлар авж олиб бормоқда. Баъзи халқлар учун бир кунни, бир дақиқани тинч ва оқсоқилга ўтказиш орзу-армонга айланмоқда.

Ана шундай гоят мураккаб даврда сайловларни оқсоқилга шайлоштиради, эмин-эркин ўтказганимиз юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликни даволат беради. Ва барчамиз бу бебаҳо бойлигимизни кўз қорачигидек асраб-авайлашимиз ва мустақамлашимиз керак.

Хорижий ташкилотлар ва кузатувчилар ҳам бўлиб ўтган сайлов жараёнлари халқаро стандартларга тўла мос ҳолда ўтганини эътироф

этиб, уларга юқори баҳо берганини таъкидлаш лозим.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари! Бу йилги парламент сайловларининг энг муҳим жиҳатлари ҳақида тўхталганда, аввало, улар янгилашган Конституциямизга мувофиқ ўтказилган илк сайлов сифатида тарихга кирганини қайд этишни истардим.

Айни шу асосда ҳуқуқ ва ваколатлари сезиларли даражада кучайган, масъулияти бир неча қарра ортган янги халқ вакилчилиги тизими шакллантирилди. Энди, янги таркибдаги Олий Мажлис ўз фаолиятини натижадорликка йўналтириб, қонуний ваколатларидан аниқ мақсад йўлида, самарали фойдаланиш устида жиддий иш олиб бориши зарур.

Иккинчидан, Янги Ўзбекистонни барпо этишга киришганимизга саккиз йил бўлди. Бу даврда халқимизнинг сиёсий тафаккури тубдан ўзгарди, сиёсий маданияти сезиларли даражада юксалди. Сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги роли ва иштироки кучайди.

Буларнинг барчаси аралаш сайлов тизимини жорий этишга мустаҳкам замин яратди. Қўллаб-даватларда бундай ислохотларни ўтказиш учун ўн йиллар керак бўлган.

Шу маънода, Ўзбекистон аралаш сайлов тизимини қисқа фурсатда, дадил жорий этишга эришган кам сонли мамлакатлардан бири, дейишга муносибдир.

Бўлиб ўтган сайловлар ушбу тизим сиёсий партиялар фаоллигини оширгани, улар ўртасида кучли рақобат учун кенг ва тенг шароит яратганини яққол намоён этди.

Янги тизим — ҳар бир сайловчининг овози Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўрни учун муҳим эканини, бу борада адолат тамойили янада кучайганини ҳам кўрсатди.

Учинчидан, сайловлар тўлиқ очиклик, ошкоралик ва шаффофлик муҳитида ўтди. Қўлланган замонавий технологиялар ҳам бу жараёнда муҳим роль ўйнади. Жумладан, сайловнинг барча босқичлари тўлиқ рақамлаштирилиб, “E-saylov” ахборот тизими жорий қилинди. Овоз бериш жараёнларини онлайн кузатиш имкони яратилди, илк бор электрон овоз бериш синовдан ўтказилди.

Сайловларни Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги каби 13 та нуфузли халқаро ташкилот, 40 дан зиёд давлатдан 850 нафар хорижий ва 65 мингдан зиёд маҳаллий кузатувчилар, оммавий ахборот воситаларининг мингдан ортиқ вакиллари кузатиб борди.

Уларга сайлов жараёнлари ҳақидаги ҳолис фикрлари ва тавсиялари учун ўз номидан, бутун халқимиз номидан ташаккур изҳор этаман. Биз ушбу тавсияларнинг ҳар бирини чуқур ўрганиб, амалиётга татбиқ этиш чораларини кўра-миз.

Тўртинчидан, Марказий сайлов комиссиясининг мустақиллиги сезиларли кучайгани, профессионал сайлов органлари ташкил этилгани сайловларнинг ҳаққоний руҳда ўтишида муҳим роль ўйнади.

Сайловлар қонунчилиги талаблари ва халқаро стандартларга тўла мос ҳолда ўтишини таъмин-

лаган барча даражадаги сайлов комиссиялари, хусусан, Марказий сайлов комиссиясига алоҳида раҳмат айтмоқчиман.

Умуман, сайловларда 15 миллиондан зиёд аҳолиимиз, жами сайловчиларнинг қарийб 75 фоизи фаол иштирок этгани уларнинг олиб бораётган ислохотларимизга бўлган юксак ишончини яна бир қарра тасдиқлади, десам, ўйлаيمانки фикримга қўшиласиз.

Азиз дўстлар! Сайловлар натижасида Қонунчилик палатаси таркиби қарийб 60 фоизга янгиланиб, 87 нафар янги депутат сайланди. Депутатларимизнинг 11 нафари — 7,5 фоизи 35 ёшгача экани, илк бор ёшлар парламентининг 2 нафар вакили Қонунчилик палатаси депутати этиб сайлангани барчамизни хурсанд қилади.

Айниқса, депутатларнинг 38 фоизини ёки 57 нафарини ҳурматли аёлларимиз ташкил этгани — минтақадаги энг юқори кўрсаткич бўлиб, албатта қувончли натижадир. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги иштироки кучайгани жамиятимизни ривожига ижобий таъсир кўрсата бошлаганини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Биз муҳтарам аёлларимизни, азму шижоатли ёшларимизни қўллаб-қувватлашни бундан буюн ҳам изчил давом эттирамиз.

Тарихимизда илк бор ногиронлиги бўлган фуқаромиз Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланди. Бу — парламентимизни том маънода инклюзив органга айлантириб, ушбу қатлам манфаатларини янада кенг ифода этиш имконини беради, десак, тўғри бўлади.

Янги таркибда қайта сайланган 63 нафар депутатимиз ҳам бор. Бу — парламент ишида узвийлик ва профессионализмни таъминлашга хизмат қилади.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари! Сайлов кампанияси даврида партиялар жиддий тайёргарлик, аниқ гоё ва дастурлар билан майдонга чиққанига гувоҳ бўлди.

Партияларимиз илгари сурган ва халқимиз қўллаб-қувватлаган ҳар бир таклифни биз албатта қўриб чиқамиз ва амалга оширамиз.

Мен Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг хусусий мулк дахлсизлигини кучайтириш, тadbirkorлик муҳитини яхшилаш ҳақидаги таклифларини қўллаб-қувватлайман.

Партиянинг бизнес юритишни янада содда-лаштириш мақсадида мингга яқин бюрократик талабларни бекор қилиш, лицензия, рухсатнома ва бошқа чекловчи ҳужжатлар сонини 2 қарра камайтириш, давлат харидларида кичик бизнес иштирокини янада кенгайтириш ҳақидаги таклифлари ҳам диққатга сазовордир.

Ҳаёт синовидан ўтган бир ҳақиқатни эсдан чиқармаслик керак. Жадал иқтисодий юксалишимиз, келажагимиз тadbirkorлик ривожига боғлиқ. Шу боис партия тadbirkorликка янада кенг йўл очиб бериш бўйича олиб бораётган ислохотларимизда фаол бўлиб, янги-янги ташаббуслар билан чиқишига ишонаман.

“Миллий тикланиш” демократик партиясининг мактабларда муаллимларни танлов асосида ишга қабул қилиш ҳақидаги таклифига қўшил-
ламан.



АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 18 ноябрь куни Андижон вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инвестиция ва тadbirkorлик муҳитини янада яхшилаш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Андижон вилоятининг иқтисодий салоҳияти юқори. Давлатимиз раҳбарининг шу йил февралдаги амалий ташрифи ҳамда унда белгиланган вазифалар ҳудуд ривожига қўшимча туртки берди. Санот, тadbirkorлик, савдо, хизмат кўрсатиш, туризм ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида яхши натижаларга эришилди.

Шу билан бирга, ҳали имкониятлар кўп. Туманларда олиб бориладиган ўрганишлар давомидида қатор таклифлар аниқланган.

Масалан, Олтинқўл ва Жалақудқуддаги 600 гектарда хитойлик инвесторлар томилаб сугориш орқали қалампар этиштириб, қайта ишлаш лойиҳасини бошлаган. Бу орқали гектаридан 15 минг долларлик маҳсулот экспорт қилиш ҳисоб-китоб қилинган.

Пахтабод туманида Бирлашган Араб Амирлиги компанияси билан ҳамкорлик-

да 470 гектарда гилос ва резавор мевалар этиштириш йўлга қўйилган. Тadbirkor инвестиция мажбуриятини ўз вақтида бажараётгани учун давлатдан инфратузилма қилиб беришни сўраган.

Вилоятдаги 4 та паррандачилик корхонаси фаолиятини тиклаб, эҳтиёжманд оилалардаги 650 нафар одамни ишга олиш имкониятини аниқланган.

Асакадаги “АДМ электротек” корхонаси автомобиллар учун 28 турдаги сим ўтказгич ва мультимедиа тизимларини ишлаб чиқаради. “Онник”, “Трекер”, “Киа сонет” каби моделларда маҳаллийлаштириш кенгайтирилса корхонанинг қуввати ва даромади ошади.

Йиғилишда Андижон вилояти ҳокими шу каби имкониятларни ишга солишга оид қарор лойиҳасини тақдимот қилди. Унда 2025 йилда Андижон вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйи-

ча мақсадли кўрсаткичлар назарда тутилган. Жумладан, 3 миллиард 100 миллион доллар миқдорида инвестиция ўзлаштириш, 334 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш, 305 минг нафар аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда 1 миллиард доллар миқдорида экспорт қилиш вазифаси белгиланган.

Шунингдек, вилоятда аҳоли зичлиги инобатга олиниб, ер масаласида имкониятлар яратилади. Қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилмаётган майдонлар, жумладан, қир-адирлардан жами 1 минг 800 гектар ернинг тоифаси ўзгартрилади. У ерларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш мажмуалари, уй-жойлар барпо этилади.

Давлатимиз раҳбари таклифларни маъқуллаб, янги имкониятлардан самарали фойдаланиш, лойиҳаларни замонавий инфратузилма билан таъминлаш, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш бўйича қўшимча кўрсатмалар берди.

Ў.А.

Ўзбекистондан «Янги Ўзбекистон»гача: ЙЎҚОТИЛГАН ҚАЛБНИ ИЗЛАБ...

Германиялик
сиёсий шарҳловчи,
«Berliner Zeitung»
нашри Геосиёсат
бўлими раҳбари
Томас
Фасбендернинг
сиёсатшунос
Кудратилла
Рафиқов билан
суҳбати

4, 5-саҳифаларда ўқинг ➡



Ўзбекистондан «Янги Ўзбекистон»гача: йўқотилган қалбни излаб...

Германиялик сиёсий шарҳловчи, «Berliner Zeitung» нашри Геосиёсат бўлими раҳбари Томас Фасбендернинг сиёсатшунос Қудратилла Рафиқов билан суҳбати

Германиянинг нуфузли

«Berliner Zeitung» нашрида сиёсий шарҳловчи, нашр Геосиёсат бўлими раҳбари Томас Фасбендернинг сиёсатшунос Қудратилла Рафиқов билан суҳбати эълон қилинди. «Ўзбекистондан «Янги Ўзбекистон»гача: йўқотилган қалбни қидириб...» сарлавҳали ушбу мақолада мамлакатимизнинг яқин ўтмиши, бугуни, келажаги ва минтақадаги сиёсий эврилишлар ҳақида сўз боради. Бу жараёнда Президент Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси, халқпарвар ва миллатпарвар сиёсати, шунингдек, минтақа миқёсидаги ташаббуслари ва уларнинг натижалари таҳлил этилган.



— Жаноб Рафиқов, менда Ўзбекистон ҳақида нимадир ёзиш, бу юртда кечаётган жараёнларни теранроқ англаш иштиёқи туғилганига анча бўлган. Евросиёда жойлашган бу мамлакатни нафақат геосиёсий, балки цивилизацион нуқтаи назардан ҳам қитъанинг маркази дейишга асослар бор.

Менимча, олис ўтмишда ушбу заминда пайдо бўлган икки буюк юксалиш — Ислом уйғониш даври ва Темурийлар ренессанси улашган маданият ва илм-фан нафақат Шарқ халқлари ёки Ислом олами, балки инсоният тарихи учун ҳам ўта муҳим эди. Аммо қудратли империялар ва тамаддунларга бешик бўлган замин бир неча асрлар давомида ижтимоий-сиёсий парокандалик гирдобиди қолди ва ҳатто мустамлакачилик азобларини ҳам тотиб кўрди...

Ҳозир сиздан сўрамоқчи бўлган нарса олис ўтмиш ҳақида эмас, балки бу ўлканинг бугуни, мамлакат ва жамиятнинг мустақилликдан кейин ҳам ўзини ўнглаб олиши қийин кечгани, сиёсий элита зехняти, айниқса, жамият тафаккурида совет давридагидан-да хавотирли турғунлик ҳукм сургани ҳақида бўлади.

Хўш, нега шундай бўлди? Мамлакат эгаменликка эришгач ҳам қарийб чорак аср, то биз суҳбатлашиб ўтирган бугунги кунларгача эски мафкуравий тутумларга «содик» қолди.

Билишимча, жамият ҳам, сиёсий элита ҳам ўз «кимлиги»ни концептуал жиҳатдан англаб олиши, янгилashi учун ҳалигача иккилаштирилган дуч келаятгандай. Бунинг сабаблари, қолаверса, мустақиллик туйғуси, умумий миллий кимлик, бу борада халқ билан давлат орасидаги муносабатлар «озодлик тонги»дан кейин қандай кечгани ҳақида сўрамоқчиман.

Яна бир мулоҳаза, маълум мақоми ва барча сиёсий атрибутлари бор Ўзбекистон Республикаси ёнига нега мустақилликдан чорак асрдан кўп вақт ўтгач, «Янги» сифатловчиси қўшиб ишлатиладиган бўлди? Бунга қандай зарурат бор эди?

— Кўтарилган масалага бир оғиз сўз билан жавоб бериш қийин. Чунки мавзу мураккаб: янги дунё олимларини энг кўп ўйлантираётган, турли мунозараларга сабаб бўлаётган, характериға кўра ўта зиддиятли дискурс — метрополиялар ва мустамлакалар мавзуси.

Гарчи ёқимсиз бўлса-да, ҳақиқат шуки, Жануб билан Шимолини, Ғарб билан Шарқни бoғловчи нуқтада жойлашган улкан минтақа узоқ йиллар «чет ўлка» (таассуфки, бугун ҳам шундай ўйлайдиганлар бор) сифатида таснифланди. Аммо у бундай таърифга лойиқ-миди? Албатта, бу алоҳида масала.

Ҳозир сизнинг саволингиздан чалғимайлик. Аниқ эсимда йўқ: кимдир «инсоният тарихи урушлар тарихиди» деганди. Бу жумла мени нафақат чиройли қурилиши, балки мазмундор поэтикаси билан ҳам жуда мутассир этади. Ундан келиб чиқадиған фикр эса тушунарли: гарчи урушлар, босқинлар тарихининг бир бўлаги экан, демак, ҳукмронлар ва мазлумлар доим бўлади...

Ҳали айтганимдек, жуда кўп олимлар тарихнинг мана шу қисми борасида бош қотиришган, изланишлар олиб боришган. Шулардан бири постколониал тадқиқотлар асосчиси ва назарийётчилардан бири, келиб чиқиши фаластинлик (араб христиани) бўлган АҚШлик олим, Колумбия университети профессори, Эдвард Вади Саид эди. У ўзининг энг машҳур асари «Ориентализм»га Маркснинг «Луи Бонапартнинг ўн саккизинчи брумери» асаридан иқтибос келтиради — «Улар ўзларини ифода этолмайдилар, уларни бошқалар танитиши керак». Ориентализм талабларига кўра, Шарқ ўзи ҳақида ўзи гапира олмайди, ўзини ўзи танита олмайди, тақдими эта олмайди, балки бошқаларнинг ўзи ҳақида гапиришларига, тақдимиға, демак, Европа фани кўмағига муҳтож...

«Ориентализм Шарқни қайта талқин қилиб, Европага таништириш йўлида қўлланилган қўшиб олувчи, ўзлаштирувчи фан тармоғи экан, Шарқнинг ҳукмрон Европа томонидан эгалланиб, ўзлаштирилиш жараёни дунё амалий сиёсатида унга ҳўшаш бошқа бир тармок эди. Бу ўринда Шарқ Ғарбнинг мажорий маънодаги суҳбатдошиға эмас, унинг ёнида чурқ этмай турувчи «ўзга»га айланди», дея тушунтиради Саид. Кенг маънода гап колониал ва постколониал давр ҳақида кетар экан, айнаи тадқиқот бизнинг жамиятимиз, бугунгача бўлган ижтимоий-сиёсий кечмишимизни баҳоли қудрат ифода этишға арзийди, десак, янглишмаган бўламиз.

Евроосиёнинг марказида жойлашган минтақамиз, гарчи Саид назарға олган глобал Ғарб ва Шарқ, айниқса, араб шарқидек мавзунинг марказида бўлмаса-да, мазмун-этиборига кўра, хийла «ориенталлашган» эди. Чунки ўлкамиз бир ярим аср давомида икки бор мустамлакачиликни бошидан кечирди... Қолаверса, бугунгача бизнинг номимиздан ҳам гапирдилар, кимлардир бизни атрофға таништирди. Биз ҳам узоқ йиллар ҳукмрон кучлар олдида «чурқ этмай ўтирувчи» «ўзга»га айландик...

Энди саволингизнинг биринчи қисмиға тўхталаск. Нега бундай бўлди?

Бунинг ўзига яраша объектив ва субъектив сабаблари бор. Эҳтимолки, айнаи шу асосларға кўра ҳам, кўпчилик тадқиқотчилар минтақамиз, хусусан, Ўзбекистонда ҳали-ҳаёмон миллий давлат ва миллат қуриш жараёнлари давом этаётганини уқтиришади ва бу фикрнинг келишиа бўладиган томонлари ҳам йўқ эмас.

Моҳиятан ўтган асрнинг биринчи яримида шакллантирилган сиёсий ўзбек миллати кечмиш даврда тарихи, маданияти, тили ва бошқа ўзликини белгилувчи кодларға эға миллат сифатида ҳажонға тақдим этилган бўлса-да, колониал чегараларини синдирилмади ва бу полисемантик мазмунға эға эди: жумладан, совет мафкураси миллий республикалардаги «ўзлик»нинг барча сифатларини «умум овози»ға бўйсундиришға ҳаракат қилди. Собиқ иттифоқнинг энг гуллаган 70 — 80-йилларида ҳадди аълосига этган «совет кишиси» концепцияси Марказий Осиёда пайдо бўлган миллий жамиятларни совет космополитизмининг гибрид-дурғағи ўзаниға чуқурроқ киритди.

Сиз тўғри англаганингиздек, биз мустақилликдан кейинги деярли йигирма беш йил-

да ҳам ушбу концепция таъсиридан чиқиб кета олмадик. Нега? Чунки совет замонининг сўнгида юз берган «қайта қуриш» ва мустақилликнинг 90-йилларида ҳам давом этган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни давлат жиддий ҳавф, дея қабул қилди (ҳолбуки, ўша йилларда пайдо бўлган ижтимоий муҳит сиёсий ва этник мансубликларни қайта идрок этишға ундаган эди) ва миллий, диний ҳамда сиёсий кайфиятларнинг барча кўринишини сиқувға олди. Давлат ижтимоий-мафкуравий секторда худди иттифоқ замонларидагидек қаттиққўл ва яғона «ўйинчи»ға айланди. Битта фарқи, у мафкурасиз эди, холос. Ва айнан ўша 90-йилларнинг бошида воз кечилган коммунистик мафкура диктати ўрнини ҳар қандай янги ғоя ва фикр фобияси эгаллаб олди.

Жамиятда дин, миллий ўзлик ва энг асосийси, тарихға бўлган янғича, очикроқ айтганда, ҳадиксираб қараш совет консерватизми концепциясидан-да дурағайроқ тушунчани шакллантирди. Унинг энг қўпол шакли жамиятнинг на туркий, на исломий мансубликка алоқдор эканини ўқарларча кечлашда кўринди.

Аҳолисининг деярли 90 фоизини этник туркий қавм — ўзбеклар ва ислом эътиқодиға амал қилувчи мусулмонлар ташкил қиладиган минтақанинг энг қатта мамлакатида КИМлик турли ғоялар (масалан, Ўзбекистон — келажаги буюк давлат)ни амалға оширувчи ватадшошлар сиймосини яратишда акс эта бошлади.

Аммо бу ғоялар коммунистик утопияларға мослиғи, ҳаётдан узоқлиғи ва ҳам этник, ҳам мафкуравий нуқтаи назардан ноҳаётийлиғи учун жамиятға сингиб кетмади. Одамларда ушбу ижтимоий-сиёсий ҳаракатға шубҳа ва ишонсизлик билан қараш кайфиятини уйғотди.

Мустақилликдан кейинги миллий давлат ва миллий жамият барпо этишининг бундай ўзига хос муҳофазакор йўли нафақат ички сиёсий мувозанат, балки ташқи, хусусан, минтақавий сиёсат траекториясида ҳам терс бурилишға, ўз қобиғига ўралашиб қолишға олиб келди. Биз бир давлат ва миллий жамият ўларок, ён қўшилларимиздан ажралиб қолдик. Иқтисодиёт ва ижтимоий сиёсатдаги протекционизм ва ҳаммаға бирдай ётсираб қараш фалсафаси бизни жисмонан яккалаб қўйди, маълум маънода заифлаштирди ҳам. Яқин тарихимиздаги қўшилларимизға қарши олиб борган сиёсатимиз бизда миллий давлат ва миллат қуриш жараёнларини ортға суриб юборди. Чунки бир тирик организм ҳисобланмиш минтақа ҳаёти ўзгараётган бир паллада янглианишлардан ўзни четға олиш давлатнинг колониализм мафкурасиға мойиллиғини кўрсатиб берди.

Хуллас, мустақилликнинг ўтган 25 йиллик даврида миллий давлат ва миллат қуриш ишларига жиддий қаралмади. Ва айнаи шу сабабларға кўра, кўпчилик тахлилчилар Ўзбекистонда ўтиш даври амалға ошган 2016 йиллар сўнгида «...Мирзиёевға оғир сиёсий ва иқтисодий мерос қолди» деган фикрға келганларида, мутлақо ҳақ эдилар...

Энг афсусланарлиси, сиз айтгандек, геополитик нуқтаи назардан муҳим нуқта — Евроосиёнинг марказида жойлашган минтақанинг энг йирик ва барча жиҳатдан таъсир кучиға эға мамлақати маълум маънода ёпиқ ва дунёдан узилган давлатға айланиб қолди.

Миллий давлат ва миллат қурилишининг советча концепциясида қолиб кетишға ундаган ортодоксал майл нафақат ички, балки минтақавий яқдилликка ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Жумладан, бу минтақада этник миллатчиликни «илҳомлантириб», янги ташкил толган республикаларни бир-бирдан беғоналаштиришға хизмат қилди...

— Сиз ҳозир мустақилликдан кейин минтақа давлатлари ўртасида яқинлашишдан кўра, парадоксал бир ҳолат — бир-биридан беғоналашиш бошланди, деяспиз, мен тўғри тушундимми?

— Ҳа, тақрибан шундай. Ўтган аср бошида бўлиб ташланган яхлит бир минтақа — Туркистон халқлари озодликка эришгач, турли тушунмовчиликларға дуч келишди. Баъзан ҳафагарчилик ва норозиликлар қонли моҳароларға ҳам айланиб кетди.

Ўзаро низоларға олиб келган бу омиллар чегаралар, сув, этник салмок талашувлари туфайли юз берди. Булардан ҳам ёмони қўшни давлатлар миллий мафкура деб ҳисоблаётган нарсаларнинг сиёсийлаштирилганида кўзға ташланди. Унга кўра, тарих ҳам, минтақанинг маданий мероси ҳам мутлақо монополлаштирилди. Кимдир истехзо аралаш айтганидай, минтақанинг тарихи, маданий мероси ўзаро нафрат тилиға айланиб қолди...

Афсусларани томони, бугун минтақадаги беш давлатда тарих фанининг беш хил, баъзи ўринларда бир-бириға мутлақо тескари версиалари ўқитилмоқда. Ҳолбуки, уларнинг ўтмиши бир эди. Айтмоқчиманки, узоқ вақт минтақа жамиятларида миллий давлат ва миллат қурилиши жараёнлари айнан совет усулиға мос — бир-бирини инкор этиш, ўчақишиш йўлида кечди...

Мавзудан чалғиб кетдик, назаримда. Биз кимликлар, мафкура ва миллий тафаккур ҳақида гаплашаётган эдик. Менинг тушунишимча, кимлик (идентитет)нинг асосини тил, маданият, тарих, тарихий хотира ташкил қилад. Табиийки, дин ҳам бу борада муҳим ўрин тутди. Умумий маънода қараганда, мафкуравий вакуум жамият учун ҳам, давлат учун ҳам ҳатарлидир. Мустақилликнинг илк йиллари бизда индивидуализм аломатлари пайдо бўла бошлаган эди. Яъни давлат билан жамият ўртасидаги ижтимоий муносабатда узилиш кузатилгандай бўлди. Яшаш ва кун қўриш ташвиши кўпроқ индивиднинг зиммасиға туша бошлади. Кундалик турмушдаги маиший доғмалар ўз тусини йўқотиб, давлат асосий «боқувчи»лик мақомидан узоқлашди.

Шундай бир пайтда одамға эриш туюладиған советча «тенглик концепти» барҳам топиб, тирикчилик ҳар кимнинг қобилиятиға боғлиқ бўлиб қолди. Аъналарға эътибор кучайди. Тил, ўзлик, тарих, миллий қадриятлар ҳақида кўп гапирила бошланди. Аслида, шуларнинг ўзи ҳам қайсидир маънода мафкура эди. Яъни социумнинг ўзи ўзи учун яратган мафкураси. Аммо, таассуфлар бўлсинки, жамиятдан чиққан ушбу ташаббус — иқтисодий либерализм ҳам, индивидуализм ва традиционализм ҳам илиқ кутиб олинмади ёки қайта ишланмади, инкор этилди; ҳали айтганимдай, ўша пайтдаги сиёсий элита бундан чўчиди.

Масалан, ўша йиллари давлат «совет граждани» эканидан ғашланиб ёки шубҳаланиб,

аслини, ўзлигини қидираётган жамият йўлини очикчасиға тўсди. Миллий ўзлик туйғуси, тарих ва аъналарға қараш миллий ҳавф сифатида қабул қилинди. Улар ўрниға эски тузумдан қолган гуманистик тўқима ёки совет «мақони»дан кўчириб ўтилган қадриятлар — «халқлар дўстлиғи», «байналмилаллик», «кўп миллатли халқ» деган тушунчаларға зўр берилди.

Албатта, бу ўйланган ва чуқур мантиққа асосланган тадбир эди. Яъни қулаб тушган мафкура харобаларида ўзини излаётган жамиятни ретрадиционализация — оила қадриятлари, ўз уруғи, этноси сингари тарихий сарчашмаларға қайтишдан, давлат «радикал миллатчилик» деб ҳисоблаётган хавфдан ихоталаб туриш керак эди. Биз тилға олаётган шу кўрув, афсуски, давлат сиёсатиға нафақат муқим ўрнашиб қолди, балки унинг «фазилати»ға айланиб кетди.

Жамиятға ғалати бир ғоя сингдирила бошланди. Унга кўра, биз коммунистик мафкурани инкор этамиз, кимлигимизни кўрсатиб берувчи этногенез тушунчаси, маданият ва қадриятлар силсиласи ҳам шарт эмас. Тўлиқ консерватор ҳам, либерал ҳам эмасмиз. Бироқ мавжудмиз, мустақилмиз. Эгаменлигимизни кўрсатувчи турмомиз, байроғимиз ва яна нималаримиздир бор...

Яхлит бир жамиятда шундай ғалати, бир-бирини инкор қилувчи симбиознинг бўлиши мумкинми? Фавқуллодда пайдо бўлган бундай дихотомик назарияни тушуниш қийин эди: биз либерал жамият қурмоқчимизми ёки консерватив? Ёки бўлмаса, постсовет давлат сифатида энди совет ўтмиши хотиралари билан яшаймизми ё миллийлик сари озланамизми, ҳозир қайси босқичдамиз, биз ўзи киммиз, минтақада, дунёда тутган мақомимиз қандай, атрофдагилар бизни ким деб атагани муҳим? Миллий давлат шакллантираимизми, миллат қуриш масаласи нима бўлади?..

Бу жавоби йўқ саволлар жамиятда ҳам, давлат сиёсатида ҳам ўша сиз айтган тушуниқсиз манзара ҳукмрон эканини аңглатарди. Ушбу кўринишлар — иқтисодиётдаги, ички ва ташқи сиёсат, маънавий-мафкуравий ҳаёт ва одамлар турмушидаги мавҳумиятни салбий маънодаги давлат протекционизми «озиқлантириб» турарди.

Ўз қобиғиға ўралиб қолиш, мамлакатни барча «таъсирлар»дан ёпиш ёки шундай деб ўйлаш, бугунги глобаллашган дунёда абсурд, албатта. Бироқ санаб ўтилган омиллар қуруқ назария ёки элитар «қарич» бўлмай, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётини, унинг табиатини узоқ вақт белгилаб келгани ҳам бор гап. Сиз ишора қилаётган деколониал контекстдаги кимлик, аъналардан силсиласи, ўтмиш, этник мансублик ёки миллат, миллий давлат тушунчаси ва ҳатто тарихий шахсларға нисбатан қарашларимизни ҳам ҳукмрон режим белгилаб берди. Ва қанчалик ғалати эшитилмасин, айнан шу қарашлари билан у ўзи инкор этаётган социал мафкуранинг «йўнилган» муқобилиға айланди. Қизиқ парадокс: расман бизда мафкура йўқ, бироқ умуммуҳитнинг ҳар бурчида у қолдирган изларни қўриш мумкин эди... Шу ва ҳозир ҳисобға олиш назардан кўтарилган бошқа жиҳатлар одамларимиз тафаккуридаги фикрий турғунлиқнинг асл сабаблари сифатида бир-бириға

Ажиниёз Кўсибой ўғли таваллудининг 200 йиллигига

ҲАЗРАТИ ИНСОН

Сирожиiddин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири.

Одам Ато билан Момо Ҳаволар —
Шунчаки келмади айлаб сафолар.
Илк бугдой эккан ҳам шулар бўлгандир,
Ўйларинг бугдойга бугун тўлгандир.

Худойим кўп ирқу миллат яратмиш,
Меҳнату заҳматдан ҳикмат яратмиш.
Бир нафас олами куброга боққил,
Кўксингда асрлар машаалин ёққил.

Ҳазрат Яссавийдан дуоларим бор,
“Девони ҳикмат”дай дунёларим бор.
Мақбара қурдирган бобом Темурхон —
Ҳазрати инсондир, ҳазрати инсон.

Эл-улус дардида чеккан ғам-ҳасрат,
Ҳазрати инсондир Навоий ҳазрат.
“Бобурнома” асли ҳасрати Бобур,
Уни битган инсон — ҳазрати Бобур.

Жаҳолатга қариши маърифат деган,
Маърифат деганга мағфират деган.
Манов Кунҳужадир, Бердақдир манов,
Мухитни ёритган кўш улуг алов.

Инсон болалари қошу қароқдир,
Бир ён ўзбек, бир ён қорақалпоқдир.
Жайхундарё узра кўприклар солган,
Давру замонларни бир қила олган.

Ҳазилакам замон эмас бу замон,
Унинг Бош меъмори — ҳазрати инсон.
Мўйноқни қайтадан бунёд айлаган,
Элу халқ кўнглини обод айлаган.

Бир лаҳза ифтихор гулҳанин ёққил,
Бўзатовдан туриб Нукусга боққил:
Бундай давру даврон қайларда эди?
Ноланг дўмбираю найларда эди.

Сўра Иброҳимдай ошиқларингдан —
Айтар ёру диёр қўшиқларидан.
Шунчаки ўтмади Тўлепбергенлар,
Эл дардин жон билан тўлаб берганлар.

Бугун қанча ҳайрат дўст юртлардадир,
Улуг жонланишлар Устюртлардадир.
Менинг ҳам соғинчим, васлу фироғим,
Садағанг кетайин, Қорақалпоғим!

Бу дунёнинг кўрки — одам боласи,
Ажиниёз бобонинг бу дил хулосаси.
Дарёлар беркинди, сен бекинмадинг,
Орол чекинса ҳам, сен чекинмадинг.

Қаторда норинг бор — карвонларинг бор,
Оламини бўйлаган сарбонларинг бор.
Ўзини ўтга ҳам, чўққа урганлар —
Ҳазрати инсондир Ватан қўрганлар.



Бугун қизларингдир, ўғилларингдир —
Эртан даҳоларинг, улугларингдир.
Чўлу даштинг яшнаб гул диёр бўлсин,
Оғизбирчилигинг мангу бор бўлсин!

Авжни баланд олгил, қани, дўмбирам,
Бундай замонларни энди кўрмирам.
Дегандай турибди шодон ва шоён —
Ажиниёз бобо — ҳазрати инсон.

Шукуҳ

Кўкда ҳилпирайвер,
фаҳрим – байроғим!

Бугунги кунда ёшларимиз барча соҳада етакчи ўринларни эгаллашга, Ватанимизга муносиб фарзанд бўлишга интилмоқда. Бу уларнинг илм эгаллашида ва бошқа кўплаб соҳаларда эришяётган ютуқларида намоён бўлаётди. Айнан ёшлар юртимизнинг келажаги ҳисобланади. Шунинг учун ҳам улар Ўзбекистонимизнинг бойлигидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ёш авлодга катта ишонч билдириб шундай таъкидлаган эди: “Ёшларимиз бизнес, илм-фан, маданият, санъат, адабиёт ва спорт соҳаларида оламшумул муваффақиятларга эришмоқда. Бу мамлакатимиз истикболига, буюк аждодларимиз бошлаган эзгу ишларни келажак авлодлар муносиб давом эттиришига катта ишонч бағишлайди”.

Кейинги йилларда турли фан олимпиадаларида ҳамюртларимиз юқори натижалари билан бизни ҳушнуд этмоқда. Айниқса, спортчиларимизнинг эришяётган ютуқлари алоҳида таҳсинга лойиқ. Улар ўз муваффақиятлари орқали Ўзбекистон номию байроғи билан бирга кадр-қимматини ҳам кўпларга кўтармоқда. Албатта, бу натижалар ўз-ўзидан бўлиб қолмайди. Ҳар бирини юксак марралар сари етаклайдиган, уларда голиблик руҳини тарбиялайдиган ўқув юртлари, спорт секциялари ва машғулот майдонлари бор.

Дарҳақиқат, кўплаб ўқув масканларида юртимиз тараққиёти камарбасталари етишиб чиқмоқда. Ана шу улуг ишга ҳисса қўлаяётган масканлардан бири Тошкент педиатрия тиббиёт институти академик лицейидир. Бу даргоҳда тахсил олаётган ўқувчилар кимё, биология фанларидан жaxon ва халқаро Менделеев олимпиадаларида юксак натижаларга эришиб келаётгани фaхрланарли. Таъкидлаш жоизки, мазкур лицей ўқув-

чилари мамлакатимиз таълим тизими тарихида илк бор халқаро ва жaxon фан олимпиадаларида олтин медални кўлга киритган.

Рақамларга эътибор қаратинг: 2008 — 2023 йилларда Тошкент педиатрия тиббиёт институти академик лицейи ўқувчилари дунёнинг турли давлатларида бўлиб ўтган фан олимпиадаларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, жами 87 та: 13 та олтин, 25 та кумуш ва 49 та бронза медалларини кўлга киритиб, юртимиз байроғини совриндорлар сафида баланд кўтарди.

Қувончли натижалар мурдасини эшитсангиз яйрайсиз. Ватанингиз байроғини юксакларда ҳилпирати эса кўнгилга фaхр бағишлайди. Фан олимпиадаларида биргина таълим муассасаси ўқувчилари 87 бор муваффақият қозониб, Ўзбекистон номини юксакларга кўтаришининг ўзи бўлмайди. Унга ҳам истёбод, ҳам меҳнат, куч, чидам ва ишонч керак.

Яқинда бир юртодшимизнинг совуқ ва олис Антарктида қитъасига минг машаққатлар билан етиб бориб, байроғимизни ўрнатгани кўксимизни қувончга тўлдириди. Ҳа, киши нимагадир ич-ичидан ишонса, унга юрак ўти билан интилса эришаркан. Фақат ҳаракату шижоатдан тўхтамаслигимиз даркор. Бизнинг ютуқларимиздан эса Ўзбекистонимиз байроғи ҳаммаша сарбаланд бўлғай!

«Халқ сўзи».

БАХТЛИ ҲАЁТИМИЗ ВА
НУРАФШОН ЭРТАМИЗ ТИМСОЛИ

Жонажон юртимизнинг бой тарихи, миллий қадрият у аънаналари, халқимизнинг асрий орзу-истаклари, озод ва бахтли ҳаётни ўзида муҳасаммадан давлатимиз байроғи мусаффо осмонимиз узра мағрур ҳилпирай бошлаганига 33 йил тўлди.

1991 йил 18 ноябрь... Бу сана мамлакатимиз тарих китобига зарҳал ҳарфлар билан ёзилди. Айни шу йил истибдод остида кун кечираётган юртимиз, эркинлиги тортиб олинган халқимиз истиқлолга эришган ва бунга боғлиқ равишда янги миллий рамзлар яратилишига зарурат туғилганди. Орадан кўп ўтмай, юқоридаги санада “Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Шу тариқа она Ватанимиз тинчлиги ва эркинлиги, элимизнинг иноқ ҳамда бирдамлиги, гўзал мақсаду ниятлар рамзи саналган байроқ яратилди. Мана 30 йилдан ошдики, ушбу кун юртимиз бўйлаб улуг шодиёна сифатида нишонланиб, кўнгилларга шукуҳ ва кўтаринкилик бағишлаб келади.

Кунни кеча ҳам мазкур сана муносабати билан мамлакатимизнинг барча ҳудудида маънавий-маърифий тадбирлар, акциялар, мусиқий байрам кечалари, ёшлар маррафолари ва парадлар бўлиб ўтди.

Пойтахтимиздаги “Ёшлик” талабалар шаҳарчасида ҳам эрта тонгдан мусиқа садолари янгради. Қўлларда юрт байроғи, қалбларда ишонч, кўзларда секин наъшаси...

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Республика маънавият ва маърифат маркази ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган “Тошкент ёшларини севади” лойиҳаси доирасидаги ушбу йирик тадбир ҳам ёшликка хос жўшқинлик, завқу шавқ, аъло кайфиятда бошланди. Унда талаба-ёшлар, маънавият тарғиботчилари, устозу мураббийлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Тадбирда байроғимизда миллий-тарихий аъналаримиз, узок ўтмишга бориб тақаладиган бой маданиятимиз, поклик, бегуборлик, гўзаллик, яхшилик, донишмандлик, шон-шўҳрат ва садоқат каби буюк ғазилатларимиз ўз ифодасини топгани ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Байроғимиз — хурлигимиз, кўхна тарихимиз, эзгу ва покиза интилишларимиз, юртимиздаги янгилиниш жараёнларининг ўзига хос кўзгуси. Ўтмишдан маълумки, давлат байроғи адолат, буюк кучқудрат рамзи сифатида эъзозланган. Жангу жадалларда мардлик ва жасорат белгиси сифатида энг кучли, баҳодир, садоқатли ўғонларга тўхфа этилган. Айни пайтда ёшлар қалбида ватанпарварлик туйғусини уйғотиш, юртга дахл-



дорлик ҳиссини оширишда шундай тадбирларнинг ўрни катта.

— Мусаффо осмонимиз узра шамоллар эркалаётган, эмин-эркин ҳилпираб турган азиз байроғимиз ҳар биримиз учун қадри, — дейди Мирзо Улугбек номидagi Ўзбекистон Миллий университети талабаси Нилуфар Эргашова. — Айниқса, у халқаро анжуманлар ва спорт мусобақаларида бўй кўрсатса, қалбларимизда чексиз фaхр-ифтихор туйғуси жўш уради, кўзларимиз намланади, эрта учун ишончимиз ортади. Истаймизки, дориламон кунлар нафаси ҳаёти-мизни тарқ этмасин, юртимиз ривожланишда давом этсин ва албатта, буларнинг жонли тимсоли сифатида байроғимиз ҳилпираб тураверсин.

Тантанали тадбирда она диёримиз, истиқлолимиз, самимий ва

бегубор туйғуларни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Куннинг иккинчи ярмида — шов-шувларга сабаб бўлган рекорд даражадаги 100 метрлик давлатимиз байроғи “Янги Ўзбекистон” боғида тантанали равишда кутиб олинди.

Қайд этиш жоизки, ушбу ўзига хос лойиҳа доирасида миллий туғимиз ҳамюртларимиз қалбини қувончга тўлдириб, Хоразмдан то азим пойтахтимизгача бўлган масофани босиб ўтди. Қувонarliчи, у ҳар бир вилоятга шаҳар, хусусан, қадимий масканларимиз — Ичан-қалъа, Бухоро арки, Регистон майдонларидан кўтаринки руҳ билан олиб ўтилди. Айниқса, мазкур жойларда меҳмон бўлиб турган хорижликлар бор жаббатларни катта қизиқиш билан кузатиб туришди.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

Шунингдек, Тошкентнинг “Янги Ўзбекистон” боғидан Махтумқули кўчаси чорраҳасигача бўлиб ўтган “Миллат байроғи” шиори остидаги автопарад ҳам кўнгилларга унутилмас лаҳзаларни муҳрлади.

Дарҳақиқат, санага оид тадбирлар чин маънодаги шодиёнага айланди. Азим пойтахтимиздаги йирик дам олиш ҳамда савдо мажмуаларида байроғимиз тасвири акс этди, жамоат транспортларида тасмалар, байроқчалар тарқатилди. Қисқача айтганда, азиз диёримизнинг хурлик ва осойишталик рамзи мағрур ҳилпираб кўнгилларга яна бир бор илиқ насимлар олиб кирди.

ТРАНСПОРТ
ЯНГИЛИКЛАРИПаст углеродли
электробуслар парки

Озарбайжон пойтахти Боку шаҳридаги Ўзбекистон Миллий павильонида БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича конференцияси (COP29) доирасида барқарор ривожланиш ҳамда миллий миқёсда белгиланган ҳиссалар лойиҳасидаги мақсадларга эришишда автотранспорт соҳасида амалга оширилаётган чоралар юзасидан тақдимот ўтказилди.

Тақдимот давомида Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари жамоат транспортини паст углеродли электробуслар парки билан янгилаш бўйича амалга оширилаётган чоралар, мамлакат транспорт соҳасида гендер-инклюзивликни таъминлашда олиб борилаётган ишловлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, Тошкент шаҳрида яратилиши режалаштирилган алоҳида жамоат транспорт йўлаги концепцияси намойиш этилди.

Қўрилаётган чоралар транспорт соҳасидан атмосфера ҳавосига чиқадиغان углерод ташламаларни қисқартиришга, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатишга хизмат қилиб, барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга катта ҳисса қўшаётгани алоҳида эътироф этилди.

Бухорога янги поездда

Конституциямизнинг 33 йиллиги муносабати билан Тошкент — Бухоро — Тошкент йўналишида янги поезд қатнови йўлга қийлиши режалаштирилган.

Бу ҳақда “Ўзтемир-йўлўловчи” АЖ ахборот хизмати хабар берди.

Қайд этилишича, ҳаракат таркиби 12 та вагондан иборат, уларнинг икkitаси ВИП, тўрттаси бизнес, тўрттаси эконoм, биттаси ресторан ҳамда биттаси дизель вагонларидир. Бизнес-класс ўриндиқлари йўналиш бўйича ўзгаради. Ҳозир поезд Тошкент — Бухоро — Тошкент йўналишида синондан ўтказиш жараёнида.

Поезд ҳаракат вақти 6 соатдан иборат бўлиб, 592 км. масофани босиб ўтади. Янги дизель поезди синови қўнланган яқин кунларда йўловчиларга фойдаланиш учун топширилади.

Вагонлар афзалликларидан яна бири ёзда совитиш тизими бошқа вагонлардан фарқи равишда улар тўхтаб турганда ҳам ишлашда давом этади. Мазкур дизель поезди “Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи” АЖ ва “Ўзтемирйўлўловчи” АЖ шартномаси асосида яратилган.

Саёҳатга марҳамат!

Тошкент Марказий темир йўл вокзалида Олмаота — Туркистон — Тошкент — Олмаота йўналиши бўйича биринчи “Жибек жoли” туристик поездини тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан 2013 йилда йўлга қўйилган “Orient Silk Road Express” сайёҳлик поезди ҳар йили 15 га яқин қатновларни амалга ошириб, дунёнинг турли мамлакатларидан келадиغان туристларга Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳамда Туркменистон давлатларига саёҳат қилиш имкониятини яратиб келмоқда.

Маросимда мазкур сайёҳлик поезди ҳам икки давлат ўртасидаги туризм соҳасини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Бугун 100 нафарга яқин сайёҳларни юртимизга олиб келган ушбу поезд ҳафтада бир марта қатновни амалга оширади. Кейинчалик қатновлар сони янада кўпайтирилади.

Автобуслар йўлаги
хизматингизда

Кўрсатилаётган транспорт хизматлари сифатини янада яхшилаш ва йўловчилар вақтини тежаш мақсадида Тошкент шаҳридаги яна 7 та кўчада автобус йўлаги жорий этилади. Бу ҳақда “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ ахборот хизмати маълум қилди.

Жумладан, ҳозирда мавжуд 53 км. узунликдаги автобус йўлакларига қўшимча равишда яна умумий узунлиги 18 км. бўлган 7 та кўчада автобус йўлакларини ташкил этилади.

Қайд этилишича, автобуслар учун ажратилган алоҳида йўлаклар жорий қилиниши натижасида мазкур кўча бўйлаб ҳаракатланувчи йўловчиларнинг тасарруф тезлиги 18 км/соатдан 24 км/соатгача кўтарилиб, 29 фоизга яхшилانган.

Натижада ушбу йўлаклар орқали ҳаракатланаётган автобуслар хизматида кунлик фойдаланувчи 600 мингдан ортиқ йўловчиларнинг вақти тежалишига эришилмоқда.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси агентлигининг иқтисодийёт бошқармаси бошлиғи — бош ҳисобчиси Камол Деҳқоновга онаси
Шафoат ая ДЕҲҚОНОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия издор этади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 11 278 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетанинг ҳақиқатги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; кoпибeият 71-259-74-53;
эълoнлар 71-259-74-45.



Тахририятга келган кўлаёмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўказиб берилиши учун олубуни расмийлаштирган ташкилот жаобсар.

Газета тахририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бoсмаxoнаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.45 Топширилди — 02.00 1 2 3 4 5 6